

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ ВА ЎРТА МАХСУС
ТАЪЛИМ ВАЗИРЛИГИ**

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ СОҒЛИҚНИ САҚЛАШ
ВАЗИРЛИГИ**

ТАШКЕНТ ПЕДИАТРИЯ ТИББИЁТ ИНСТИТУТИ

ОДАМ АНАТОМИЯСИ КАФЕДРАСИ

АМАЛИЙ МАШҒУЛОТ № 29

**МАВЗУ: ТИЛ, СЎЛАК БЕЗЛАРИ, ЮМШОҚ ТАНГЛАЙ,
УЛАРНИНГ ЁШГА ҚАРАБ ЎЗГАРИШИ.**

Кафедра мудири: Х.А.Расулов

Тошкент 2009

29- амалий машғулот (10-маъруза)

Машғулотнинг мавзуси: Тил, сўлак безлари, юмшоқ танглай, уларнинг ёшга қараб ўзгариши.

Машғулотнинг мақсади:

Талабаларга тил, сўлак безлари, юмшоқ танглайнинг тузилишини, вазифасини, уларнинг одам организмидаги аҳамиятини ва ёшга қараб ўзгаришини тушунтириш.

Вазифалар

- тил, сўлак безлари, ва юмшоқ танглайдаги ҳосилаларни ўзбекча ва латинча номларини ўргатиш

- тил, сўлак безлари, ва юмшоқ танглайнинг қисмларини кўрсатиш

- тил, сўлак безлари, ва юмшоқ танглайнинг болалардаги хусусиятларини билиш

Назарий қисм:

Талабаларнинг назарий ва амалий билимларини аниқлагач ўқитувчи тил, сўлак безлари, ва юмшоқ танглайнинг тузилишини, уларнинг вазифасини ва одам организмидаги аҳамиятини тушунтириб беради.

Тил (lingua) мушакдан тузилган аъзо бўлиб, оғиз бўшлиғини тўлдириб туради. Тил оғиз бўшлиғида овқатни аралаштириш, ютиш ва сўз бўғинларини ҳосил қилишда иштирок этади. Тилнинг олдинги торайган учи, орқа кенгайган илдизи ва уларнинг ўртасида жойлашган танаси тафовут қилинади. Тилнинг устки юзаси ёки тил орқаси кўтарилган бўлиб, юқорига ва орқага қараган. Пастки юзаси фақат олд қисмида бор. Тилнинг ўнг ва чап томонларида тил чеккалари бор. Тил устининг ўртасида унинг икки ён бўлақларининг қўшилишидан ҳосил бўлган тилнинг ўрта эгати ўтади. Бу эгат тилнинг танаси ва илдизи ўртасида жойлашган кўр тешиқда тугайди. Кўр тешиқнинг олдидан тилнинг ён чеккаларига қараб унча чуқур бўлмаган тил танасини илдизидан ажратиб турувчи чегараловчи эгат ўтади.

Тилнинг шиллиқ пардаси (tunica mucosa linguae) оч пушти рангда бўлиб, тил усти, учи ва чеккаларида кўп сонли сўрғичлар билан қоплангани учун духобага ўхшаган кўриниш беради. Тил сўрғичлари турли шаклга катталиққа эга бўлиб, там билиш ёки умумий сезгини ўтказиб беради. Тилда қуйидаги сўрғичлар тафовут қилинади. Ипсимон ва конуссимон сўрғичлар энг кўп сонли бўлиб, тил устида чегараловчи чизикни олдида жойлашган. Замбруғсимон сўрғичлар кўпроқ тил учи ва чеккаларида жойлашади. Уларнинг асоси торайган, чўққиси эса кенгайган юмалоқ шаклда. Бу сўрғичларда таъм билиш пиёзчалари бор. Улар ипсимон ва конуссимон сўрғичлардан кам бўлиб, ўлчамлари катта ва оддий кўз билан кўриш мумкин. Кўтарма билан ўралган сўрғичлар 7-12 та бўлиб, чегараловчи эгатни олдида V шаклида жойлашган. Уларнинг кўндаланг ўлчамлари 2-3 мм бўлиб, марказида таъм билиш пиёзчалари бор. Япроқсимон сўрғичлар тилнинг ён чеккаларида юпқа қатламлар шаклида қатор жойлашган. Тил илдизи шиллиқ пардасида сўрғичлар бўлмай, унда лимфоид фолликулалар тўплами жойлашган. Бу лимфоид тўқима тўплами тил муртагини ҳосил қилади.

Тил мушаклари жуфт, кўндаланг тарғил мушакдан иборат бўлиб икки гуруҳга: тилнинг хусусий мушаклари ва скелет мушакларига бўлинади. Тилнинг хусусий мушакларига: Устки бўйлама мушак, пастки бўйлама мушак, тилнинг кўндаланг мушаги, тилнинг вертикал мушаги (*m. verticalis linguae*) киради.

Тилнинг скелет мушакларига: энгак-тил мушаги, тил ости-тил мушаги, бигиз-тил мушаги киради.

Янги туғилган чақалоқнинг тили қисқа, кенг, қалин ва кам ҳаракат бўлади. У хусусий оғиз бўшлиғини тўлатиб туради. Тилнинг шиллиқ пардаси қалинлашган. Замбуруғсимон, варақсимон, кўтарма билан ўралган сўрғичлари ва таъм билиш пиёзчалари яхши ривожланган, аммо ипсимон сўрғичлари кам. Тил юганчаси қисқа. Янги туғилган чақалоқ тили эмиш жараёнида фаол иштирок этгани учун мушаклари яхши ривожланган.

Танглай (*palatum*) оғиз бўшлиғини юқори деворини ҳосил қилиб икки қисмдан: қаттиқ ва юмшоқ танглайдан иборат. қаттиқ танглай (*palatum durum*) юқори жағ суяги танглай ўсиғи ва танглай суяги горизонтал пластинкасидан ҳосил бўлган. Юмшоқ танглай (*palatum molle*) қаттиқ танглайни орқасига бириккан бириктирувчи тўқимали қатламдан ва унга ёпишган мускуллардан иборат бўлиб, уст ва паст томондан шиллиқ парда билан қопланган. Уни қоплаган шиллиқ парда бевосита қаттиқ танглайга давом этади. Юмшоқ танглайни олдинги қисми горизонтал жойлашса, орқа қисми осилиб танглай чодирини ҳосил қилади. Юмшоқ танглайни орқа чеккаси эркин чекка ҳосил қилиб тугайди. Унинг ўртасида тилча бор. Танглай чодирини ён чеккаларидан иккита равоқ: олдинги танглай-тил равоғи тилнинг ён юзаларига тушади. Орқа танглай-ютқун равоғи пастга ютқунни ён деворига йўналган. Олдинги ва орқа равоқлар ўртасида муртак чуқурчаси бўлиб, унда танглай муртаги жойлашган. Юмшоқ танглай асосини бешта кўндаланг тарғил мушак ҳосил қилади: танглай-тил мушаги, танглай-ҳалқум мушаги, тилча мушаги, танглай чодирини кўтарувчи мушак, танглай чодирини тарангловчи мушак.

қаттиқ танглай янги туғилган чақалоқда кенг ва ясси, гумбази яхши билинмаган. Уни қоплаган шиллиқ парда суяк усти парда билан яхши бириккан, бурмалари кам ривожланган ва безлари кам. Янги туғилган чақалоқда юмшоқ танглай мушаклари яхши ривожланган. У горизонтал жойлашган. Танглай чодир халқумнинг орқа деворига тегмайди, шунинг учун бола эмган вақтида ҳам бемалол нафас олади. Эмизикли ва эрта болалик даврларида тишлар чиқиши билан бирга жағларни альвеоляр ўсиқлари ва оғиз бўшлиғи катталашади. қаттиқ танглай гумбази кўтарилади.

Сўлак безларига оғиз бўшлиғида жойлашиб найлари оғиз бўшлиғига очиладиган катта ва кичик сўлак безлари киради. Майда сўлак безлари шиллиқ пардада ёки шиллиқ ости асосда жойлашиб катталиги 1-5 мм бўлади. Уларга лаб, лунж, танглай ва тил безлари киради.

Катта сўлак безларига қулоқ олди, жағ ости ва тил ости безлари кириб, улар оғиз бўшлиғидан ташқарида жойлашсада, найлари оғиз бўшлиғига очилади.

кулоқ олди беи (gl. parotoidea) сероз суюқлик ишлаб чиқарувчи без бўлиб, оғирлиги 20-30 г. У кулоқ супрасини олдида ва пастида қисман чайнов мушагини ёпиб туради. Без тузилиши жиҳатидан мураккаб альвеоляр без бўлиб, ташқи томондан фасция ва тери қоплаган. Безни устидан ўраган бириктирувчи тўқимали капсула толалари безни бўлақларга ажратади. Без бўлақчалари найларини қўшилишидан ҳосил бўлган кулоқ олди беи найи чайнов мушаги устидан ўтгач, лунж мушагини тешиб ўтиб, юқори жағнинг иккинчи катта озиқ тиши соҳасига очилади.

кулоқ олди беи янги туғилган чақалоқда нисбатан катта, оғирлиги 1,8 г. Сўлак бола 2 ойлик бўлганидан бошлаб чиқабошлайди. Оғирлиги 2 ёшда 9 г, 20 ёшда 30 г.

Жағ ости беи (gl. submandibularis) мураккаб альвеоляр без. Аралаш таркибли суюқлик чиқаради. У жағ ости учбурчагида жойлашиб, оғирлиги 15 г. Без юпка капсула билан ўралган. Безнинг умумий найи (ductus submandibularis, вартанов найи) олдинга томон йўналиб, тил ости сўрғичига тил узангиси ёнида очилади.

Тил ости беи (gl. sublingualis) майда бўлақчалардан иборат бўлиб, оғирлиги 5 г. У шиллик суюқлик ишлаб чиқаради. У оғиз туби шиллик пардаси остида жағ-тил ости мушаги устида ётади. Безнинг бир неча майда найчалари тил ости бурмаси бўйлаб очилади. Унинг катта найи жағ ости беи найи билан бирга тил ости сўрғичига очилади.

Жағ ости беи оғирлиги янги туғилган чақалоқда 0,84 г, тил ости беи эса 0,42 г.

Интерфаол усуллардан «Галерея бўйлаб саёҳат» усулини қўллаимиз. Учта турли хил савол учта кичик гуруҳга берилади. 1).Тилнинг тузилиши. 2).Юмшоқ танглайнинг тузилиши. 3).Сўлак безларининг тузилиши. Кейин гуруҳлар алмашиб бошқасини ҳатосини тўғрилайди ва тўлатади. Кимнинг жавоби тўлиқ бўлиб, кам тўғриланса, у тўғри ҳисобланади ва гуруҳнинг барча қатнашчиларга бир хил баҳо қўйилади.

Тест саволлари

1. ТИЛНИНГ қисмлари қайси?

А. БОШЧАСИ, ТАНАСИ, ИЛДИЗИ қисми

Г. ОЛДИНГИ ВА ОРҚА

Б. ОҒИЗ қисми, Ўалқум қисми ИЛДИЗИ

Д.ТАНАСИ, БЎЙНИ,

В.ТАНАСИ, УЧИ, ИЛДИЗИ

2. ТИЛНИНГ ХУСУСИЙ МУШАКЛАРИ қайсилар?

А. M LONGITUDINALIS SUPERIOR, TRANSVERSUS, VERTICALIS LINGUAE

Б. M.VERTICALIS, LONGITUDINALIS SUPERIOR, INFERIOR, M.STYLOGLOSSUS

В. M.STYLOGLOSSUS., TRANSVERSUS LINGUAE, VERTICALIS, LONGITUDINALIS

Г. M.LONGITUDINALIS SUPERIOR ET INTERIOR, TRANSVERSUS, VERTICALIS

Д. M.LONGITUDINALIS, VERTICALIS, TRANSVERSUS, GENIOGLOSSUS

3. КАТТА СЪЛИАК БЕЗЛАРИ қайсилар?

А. ЖАҒ ОСТИ, ТИЛ ОСТИ, қалқонсимон ОСТИ, қулоқ ОЛДИ

Г. ЖАҒ УСТИ, ТИЛ

Б. Қулоқ ОЛДИ, ЖАҒ ОСТИ, ТИЛ ОСТИ ОСТИ

Д. Қулоқ ОЛДИ, ЖАҒ

В. КУЛОК ОЛДИ, ЖАҒ ОСТИ, ТИЛ УСТИ

4.ТИЛНИНГ СКЕЛЕТ МУШАКЛАРИ қайсилар?

А. M.STYLOGLOSSUS, GENIOGLOSSUS, HYOGLOSSUS

Б. M.GENIOGLOSSUS, LONGITUDINALIS, HYOGLOSSUS

В. M.HYOGLOSSUS, GENIOGLOSSUS, VERTICALIS

Г. M.TRANSVERSUS, STYLOGLOSSUS, HYOGLOSSUS

Д. M.VERTICALIS, STYLOGLOSSUS, TRANSVERSUS

5.ЯНГИ ТУҒИЛГАН БОЛАЛАР ТИЛИ қандай?

А. Қисқа, КЕНГ, қалин

Г. УЗУН ВА КАМ ҲАРАКАТ

Б. ИНГИЧКА ВА УЗУН

Д. Қийшиқ ВА

ҲАРАКАТЧАН

В. ҲАРАКАТЧАН ВА қисқа

6. Юмшоқ ТАНГЛАЙ МУШАКЛАРИ қайсилар?

А. M.LEVATOR VELLI PALATINI, M.GENIOGLOSSUS

Б. M.PALATOPHATYNGEUS, M.STYLOGLOSSUS

В. M.PALATOGLOSSUS, M.GENIOGLOSSUS

Г. M.TENSOR VELLI PALATINI, M.STYLOGLOSSUS

Д. M.LEVATOR VELLI PALATINI, M.UYULI

7.ЖАҒ ОСТИ БЕЗИНИНГ НАЙИ қаерга ОЧИЛАДИ?

А. ОҒИЗ ДАҲЛИЗИГА

Г.ТИЛ

ОСТИ

СҲҲИЧИГА

Б.ТИЛ ОСТИ БУРМАСИГА

Д.П

ОЗИК

ТИШ

ОЛДИГА

В.ІІІ озик ТИШ ОЛДИГА

8. Қулоқ ОЛДИ БЕЗИ НАЙИ қаерга ОЧИЛАДИ?

А. Юқориғи ІІ КАТТА ОЗИК ТИШ ТҲҲРИСИДА

Б. ОҒИЗ ДАҲЛИЗИДА ПАСТКИ ІІ КАТТА ОЗИК ТИШ ТҲҲРИСИДА

В. ОҒИЗ ДАҲЛИЗИДА ЮҚОРИҒИ ІІ КАТТА озик ТИШ СОҲАСИГА

Г. ТИЛ ОСТИ БУРМАСИГА

Д. ОҒИЗ БУШЛИГИГА ТИЛ ОСТИ СҲҲИЧИГА

9.ТИЛНИНГ қандай СЌРЌИЧЛАРИ БОР?

А. ИПСИМОН, КОНУСИМОН,ЗАМБРУЌСИМОН, ТАРНОВСИМОН, варақсимон

Б. ЗАМБУРУГСИМОН, ЯССИ, варақсимон, КОНУНСИМОН, юмалоқ

В.варақсимон, КОНУСИМОН, ТАРНОВСИМОН, ЯССИ

Г.ИПСИМОН, ТАРНОВСИМОН, ЌАДИР-БУДИР, ЯССИ

Д.ИПСИМОН, ЗАМБРУЌСИМОН, ТАРНОВСИМОН, юмалоқ, ЯССИ

10.ТИЛНИНГ ПАСТКИ ЮЗАСИДА НИМАЛАР БОР?

А. ТИЛ ЮГАНЧАСИ ВА БУРМАСИ

Б.ТИЛ ОСТИ СЌРЌИЧИ ВА ЮГАНЧАСИ

В.ТИЛ ЮГАНЧАСИ, ТИЛ ОСТИ БУРМАСИ ВА ТИЛ ОСТИ СЌРЌИЧЛАРИ

Г.ТИЛ ЮГАНЧАСИ, ТИЛ ОСТИ БУРМАСИ

Д.ТИЛ ИЛДИЗИ, ТИЛ ОСТИ БУРМАСИ

Топшириқлар:

1. тил, юмшоқ танглай ва сўлак безларнинг тузилишини, улардаги ҳосилаларнинг лотинча номларини айтиб, вазифасини билиш

2. тил, юмшоқ танглай ва сўлак безлардаги асосий анатомик белгиларини кўрсатиб бериш

3. тил, юмшоқ танглай ва сўлак безларнинг болалардаги хусусиятларини билиш

4.Мавзу бўйича талабаларни баҳолаш варақасини тўлдириш

Одам анатомияси фанидан талабаларни баҳолаш варақаси

Аъзонинг номи: тил, юмшоқ танглай ва сўлак безлари

Терминлар			Аъзо қисмлари	Аъзонинг фаолияти
лотинча	ўзбекча	русча		

Баҳолаш мезони:

Балл	Баҳо	Талабанинг фан бўйича билим даражаси
86-100	Аъло	Талаба тил, юмшоқ танглай ва сўлак безларнинг тузилишини, улардаги ҳосилаларнинг лотинча номларини айтиб, вазифасини тушунтира олса. Уларининг болалардаги хусусиятларини айтиб берса.
71-85	Яхши	Талаба тил, юмшоқ танглай ва сўлак безларнинг тузилишини, улардаги ҳосилаларнинг лотинча номларини айтиб, вазифасини тушунтира олса.
		Талаба тил, юмшоқ танглай ва сўлак

55-70	қоникарли	безларнинг тузилиши ва вазифаси тўғрисида тасаввурга эга бўлса.
0-54	қоникарсиз	Талаба тил, юмшоқ танглай ва сўлак безларнинг тузилиши ва вазифаси тўғрисида аниқ тасаввурга эга бўлмаса.

Жорий назорат саволлари

- 1.Тилнинг қандай қисмлари бор?
- 2.Тилнинг қандай сўрғичлари бор?
- 3.Тилнинг хусусий мушаклари қайсилар?
- 4.Тилнинг скелет мушаклари қайсилар?
- 5.Тилнинг болалардаги хусусиятлари қандай?
- 6.Юмшоқ танглай мушаклари қайсилар?
- 7.қулоқ олди безини тузилишини айтиб беринг?
- 8.Жағ ости безини тузилишини айтиб беринг?
- 9.Тил ости безининг тузилишини айтиб беринг?
- 10.Сўлак безларининг болалардаги хусусиятлари қандай?

Машғулотнинг таъминланиши

Калланинг сагиттал кесими, тил, планшет ва расмлар.